



Tadjqiqot.uz

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**31 DEKABR
№35**

CONFERENCES.UZ

**“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”
1-ҚИСМ**

**«ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЧЕНЫХ И МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА»
ЧАСТЬ-1**

**«INNOVATIVE SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH OF SCIENTISTS AND YOUTH OF
UZBEKISTAN»
PART-1**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” [Тошкент; 2021]

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” мавзусидаги республика 35-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 30 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Зуфаров Ахмад Марсович БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИЛИГИ.....	7
2. Matyakubova Mo'tabarxon Durdibayevna HUQUQ TUSHUNCHASI VA UNING MOHIYATI	10
3. Ro'zmetova Marjon Axmedjanovna O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FUQAROLIGI.....	12
4. Turayev Siroj Jasurovich DAVLAT VA HUQUQ ASOSLARI FANIDA NOANANAVIY DARSLARNI TASHKIL ETISH	14
5. Аллаярова Муаттар Чорияровна УЙ-ЖОЙ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	16
6. Комилов Мирхаёт Шавкатжон ўғли ҲУҚУҚИЙ ИДЕАЛИЗМ ВА ҲУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМ ТУШУНЧАЛАРИГ ТАРИФ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ЧОРА – ТАДБИРЛАР.....	19
7. Эшмирзаев Зоҳиджон Мухаммадиевич СУД МАЖЛИСИНИ ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИДА ЎТКАЗИШ ҲАМДА СУД МАЖЛИСЛАРИНИ АУДИО ВА ВИДЕО ҚАЙД ЭТИШНИНГ МАЗМУН- МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ	23
8. Нурумбетова Садокат Аллаяровна ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА НАРСА ВА ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ	26
9. Раимов Элбек Баҳодир ўғли ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ	28



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИЛИГИ

Зуфаров Ахмад Марсович
ТДЮУ тадқиқотчиси
Тел: +998990118999
jama_tilla@mail.ru

Аннотация: мазкур мақолада божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятининг тушунчаси ва унинг ҳозирги даврдаги ижтимоий хавфлилиги очиб берилган. Шунингдек, объектив томондан содир этиш усуллари, миқдори ва субъектив омили қайд этилган. Маъмурий ва жиноий жавобгарликни келиб чиқиш масалалари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: божхона, божхона тўғрисидаги қонунчилик, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, божхона предметлари, объекти, маъмурий ва жиноий жавобгарлик, товарлар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ божхона қонунларини бузиш деб, товар ёки бошқа қимматликларни ноқонуний равишда Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ўтказиш, шунингдек у билан турли ҳаракатлар содир этиш билан боғлиқ бўлган жиноятга айтилади.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузишнинг ижтимоий хавфлилиги фақат Ўзбекистон Республикасига иқтисодий зарар етказишда эмас, балки бошқа оғир жиноятлар содир этишга замин яратиши билан ҳам белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси 182-моддага мувофиқ божхона қонунларини бузиш деганда божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш тушунилади. Ушбу жиноятни кўп миқдорда маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилиши божхона қонунларини бузишнинг зарурий белгиси бўлиб ҳисобланади.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш учун жавобгарлик қонунда иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар қаторига киритилган. Ушбу қоида, авваламбор, давлатнинг иқтисодий хусусиятдаги манфаатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан товар ёки бошқа қимматликларни ўтказиш тартибини белгилаганлиги билан шартланган. Хусусан, муайян товар ёки ашёлар бирор-бир чеклашларсиз божхона чегарасидан ўтказилади, қатор товар ёки бошқа қимматликларни ўтказиш эса тегишли равишда чекланган ёхуд умуман ман этилган.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ товарларни олиб кириш ёки олиб чиқишни тақиқлаш давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини, инсон ҳаёти ва соғлигини, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг тарихий, археологик ва санъат ёдгорликларини химоя қилиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси бошқа манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Товарларни божхона чегарасидан ўтказишни чеклаш эса халқаро вазият, ички бозорни химоя қилишдан келиб чиқиб, шунингдек чет эл давлатлари ва иттифоқларининг Ўзбекистон Республикаси манфаатларини камситувчи ёки уларга зиён етказувчи ҳаракатларига жавобан чоралар сифатида ўрнатилади



Мазкур жиноят содир этилаётганда, тажовуз иқтисодиёт соҳасидаги муносабатларга йўналтирилган. Божхона қонунларини бузишда ҳар қандай шахснинг қундалик ҳаётида эркин муомалада бўлган ҳар қандай товар ёки қимматликлар бўлиши мумкин (кийим-кечак, радиотехника, заргарлик буюмлари ва ҳ. к.).

Божхона қонунларини бузган фуқаро ва мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка, уларнинг қилмишида жиноят аломатлари мавжуд бўлганда эса – жиноий жавобгарликка тортилади. Божхона қонунчилигида кам аҳамиятли ҳуқуққа ҳилоф ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар қаторига киритилган.

Маъмурий тартибда таъкиб қилинадиган божхона қонунларини бузишни жиноий жазога сазовор қилмишдан фарқлашгина эмас, балки унинг алоҳида турлари мазмунини очиқ бериш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир. Бундай фарқлаш мазкур масала бўйича жиноят ҳуқуқий адабиётларда ноаниқ, айрим ҳолларда эса хато фикрлар берилганлиги учун ҳам зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддасига асосан товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ҳар қандай йўл билан ўтказишни эмас, балки фақат ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган ва: 1) божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ўтказиш; 2) товар ёки бошқа қимматликларни божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ўтказиш; 3) товар ёки бошқа қимматликларни декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказишгина жиноий жазога сазовор бўлган божхона қонунларини бузиш деб тан олинади.

Божхона қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мазкур ҳуқуқбузарликни содир этиш усули, ўтказилаётган товар миқдори ва жиноят субъектига тегишли бўлиши мумкин.

- Жиноят содир этиш усулига кўра оғирлаштирувчи ҳолат деб, қонун: товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини ёриб ўтиш, яъни товар ёки бошқа қимматликларни божхона хизмати руҳсатсиз, очикдан-очик Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказишни ҳисоблайди.

- Ўтказилаётган товарларнинг миқдорига кўра оғирлаштирувчи ҳолат: жуда кўп миқдор

- Субъектига кўра оғирлаштирувчи ҳолат: хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этишидир.

Ҳар қандай жиноий тажовузга ижтимоий хавфлилик хос, бироқ улар ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига кўра фарқ қилади. Ижтимоий хавфлилик - қилмиш, ижтимоий муносабатларга зарар етказиши мумкинлигини англатади, шунингдек у субъект ҳулқ-атворини муайян ижтимоий гуруҳ нуқтаи назаридан баҳолаш имкониятини берувчи объектив хусусиятдир.

Жиноят ҳуқуқидаги ижтимоий хавфлилик - қилмишнинг жамият учун зарарли эканлигини намоён қилувчи, ундаги устивор бўлган ижтимоий муносабатларга, ҳаёт тарзига зарар етказиш ёки зарар етказишнинг реал хавфини туғдирадиган жиноятнинг объектив белгисидир. Зарар - иқтисодий, маънавий бўлиши мумкин □ у фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, бошқарув тартибига, жамоат тартибига етказилиши мумкин.

Муайян турдаги қилмишнинг ижтимоий хавфлигини уни ҳуқуқ томонидан тегишли санкцияларни қўллаш таҳдиди билан тақиқлашга ижтимоий эҳтиёжини шартлаб беради. Муайян тарихий шароитларда (тажовуз объектининг мазмуни, тажовуз усули, вақти ва жойи ҳамда бошқа ҳолатларда) қилмишнинг ижтимоий хавфлигининг хусусияти ва даражасига боғлиқ равишда, у қонунчилик томонидан жиноят сифатида қаралади.

Божхона қонунларини бузишнинг ижтимоий хавфлиги Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг фаолият кўрсатиш шартларини бузувчи қилмишни ички, ижтимоий моҳиятида намоён бўлади ва уни жиноят деб тан олиниши жиноят қонунчилигида мустаҳкамланган.

Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлиги унинг жамият учун зарарлигини намоён



қилувчи объектив белгисида, ижтимоий муносабатлар, ҳаёт тарзига жиддий зиён етказишнинг реал ҳавфида □ давлат ва жамоат ҳавфсизлиги манфаатларига иқтисодий хусусиятдаги зарар етказишида мужассамлашган. Божхона қонунларини бузишнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси эса, унинг мақсади, мотиви, такрорланиши ва миқдорига боғлиқ. Формал белгиларга кўра, қилмишнинг реал ижтимоий ҳавфлилигини ҳисобга олмасдан туриб, божхона қонунларини бузганлик учун жавобгарликка тортишга йўл қўйилмайди.



HUQUQ TUSHUNCHASI VA UNING MOHIYATI

Matyakubova Mo'tabarxon Durdibayevna

Xorazm viloyati Hazorasp tumani

2-son kasb - hunar maktabi huquq fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada huquq tushunchasiga ta'rif berilgan, uning mohiyati ochib berilgan, shuningdek huquqning xususiyatlari, belgilari, funksiyalari, huquq tizimi va tarkibi haqida malumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: huquq, normativ, norma, qoida, tizim, davlat, funksiya, axloq, tarkib, tarmoq, davlat.

Huquq murakkab ijtimoiy-huquqiy hodisa bo'lib, turli-tuman nuqtai nazardan talqin etiladi. Eng mashhur yondashuvlarni umumlashtirib, huquq - erkin va teng sub'ektlar o'rtasidagi ijtimoiy munosabatlarning tarixan shakllangan, undan chetga chiqish davlat majburlovi vositalari bilan bartaraf etilishi mumkin bo'lgan tartibning normativ ifodasi, degan xulosaga kelish mumkin.

Huquqning davlat bilan uzviy aloqasiga asoslanib ko'pincha huquqni davlat yaratadi, degan xulosaga kelinadi. *Huquq (sof yuridik ma'noda)* – ijtimoiy manfaatlarni ifodalovchi, davlat tomonidan o'rnatiladigan hamda ta'minlanadigan va ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishga qaratilgan umummajburiy yuridik normalar tizimi.

Huquq davlat tomonidan o'rnatiladigan va qo'riqlanadigan, mamlakat aholisining umumiy va shaxsiy manfaatlarini ifodalovchi va ijtimoiy munosabatlarni davlat tomonidan tartibga solish vositasi sifatida amal qiluvchi umummajburiy xulq-atvor qoidalari tizimidir. Huquqning mohiyati va ijtimoiy vazifasi uning funksiyalarida namoyon bo'ladi.

Huquqqa turli yondashuvlarning tahlili uning quyidagi muhim xususiyatlari va belgilarini qayd etish imkonini beradi:

Huquq - normalar yoki xulq-atvor qoidalari tizimi. Boshqa har qanday tizim singari, u ham bir tartibli, o'zaro uzviy bog'langan va o'zaro ta'sirga kirishuvchi qismlardan tashkil topadi. Tizimning ayrim tarkibiy qismlari o'rtasida yuzaga keluvchi aloqalar yagona maqsadlarga erishishga qaratilishi lozim. Har qanday normalar (xulq-atvor qoidalari) tizimi zahirida ob'ektiv va sub'ektiv omillar yotadi. Ob'ektiv omillar orasida muayyan mamlakatda huquqiy normalar tizimi vujudga kelishi va faoliyat ko'rsatishiga imkoniyat yaratuvchi iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy, mafkuraviy va boshqa omillar alohida o'rin egallaydi.

Huquq - davlat tomonidan o'rnatilgan yoki ma'qullangan normalar tizimi. Jahonda turli ijtimoiy normalar tizimlari juda ham ko'p. Biroq, faqat huquqiy normalar tizimigina davlat tomonidan yaratiladi. Huquq normalarini o'rnatar ekan, davlat bevosita o'z vakolatli organlari orqali ish ko'radi.

Huquq - umummajburiy xususiyatga ega normalar yoki xulq-atvor qoidalari tizimi. Umummajburiylik (ya'ni, normativlik) huquq normalarida ifodalangan talablar jamiyatning barcha a'zolari tomonidan bajarilishi shartligini anglatadi.

Huquq davlat tomonidan muhofaza qilinadi va ta'minlanadi. Huquq normalarida ifodalangan talablar buzilgan hollarda davlat majburlovi qo'llaniladi.

Davlat o'zi qabul qilgan yoki tasdiqlagan hujjatlarga befarqlik bilan qaray olmaydi, u mazkur hujjatlarni amalga oshirishga katta kuch-g'ayrat sarflaydi, ularni muhofaza qiladi va bajarilishini kafolatlaydi. Bunda keng qo'llaniladigan usullardan biri – ishontirish, ikkinchisi – davlatning jismoniy va ruhiy majburlovi hisoblanadi.

Huquq funksiyalari – ijtimoiy munosabatlarga yuridik ta'sir etishning asosiy yo'nalishlari bo'lib, ularning mazmuni huquqning mohiyati va jamiyat hayotidagi ijtimoiy vazifasi bilan belgilanadi. Huquq, avvalo, jamiyat hayotining turli jabhalari – iqtisodiyot, siyosat, ijtimoiy sohaga, madaniy-ma'naviy munosabatlarga ta'sir etadi va shu tariqa iqtisodiy, siyosiy va tarbiyaviy mazmundagi umumijtimoiy funksiyalarni bajaradi.

Huquq jamiyat hayotida muayyan funksiyalarni bajaradi. Huquqning funksiyasi deganda, ijtimoiy munosabatlarga ta'sir etish, ularni tartibga solishning asosiy yo'nalishlari tushuniladi. Huquqning asosiy funksiyalari quyidagilar: tartibga soluvchi, qo'riqlovchi va tarbiyaviy.

Huquq ijtimoiy normalardan farq qiladi. Ijtimoiy normalarning turlariga quyidagilar kiradi: axloq normalari, jamoat birlashmalari normalari, milliy urf-odatlar, xalqlarning odatlari, an'ana



normalari, siyosiy hayot normalari, huquq normalari, diniy normalar.

Huquq tizimi va tarkibi. Huquq— ichki yaxlitligi va o‘zaro muvofiqligi bilan ajralib turadigan muayyan tizim.

Huquq tizimi katta tarkibiy qismlar bo‘lmish huquq tarmoqlariga bo‘linadi. Davlatdagi ijtimoiy munosabatlarning xilma-xilligi tarmoqlarga bo‘lishning asosini tashkil etadi. Aynan shu munosabatlar huquqiy boshqaruvning predmetini tashkil etadi. Ijtimoiy munosabatlarning har bir ma’lum turi (oilal, mehnat munosabatlari va h.k.) tegishli huquqiy normalar bilan tartibga solinadi. Bu normalar huquqiy tartibga solish predmetiga ko‘ra (ya’ni ijtimoiy munosabatlarning ma’lum turiga ko‘ra) huquq tarmoqlariga bo‘lingan.

O‘zbekiston huquq tizimi huquqning quyidagi asosiy tarmoqlarini o‘z ichiga oladi: konstitutsiyaviy huquq; ma’muriy huquq; fuqarolik huquqi; jinoyat huquqi; yer huquqi; agrar huquq; mehnat huquqi; ijtimoiy ta’minot huquqi; ekologik huquq; moliyaviy huquq; fuqarolik-protsessual huquq; jinoyat-protsessual huquq; xo‘jalik-protsessual huquq va boshqalar.

Konstitutsiyaviy, ma’muriy, fuqarolik va jinoyat huquqlari asosiy huquq tarmoqlari hisoblanadi.

Yuqorida sanab o‘tilganlarning dastlabki o‘ntasi moddiy huquq tarmog‘i bo‘lsa, keyingi uchasi protsessual huquq tarmog‘idir.

Bulardan tashqari yana bir qancha huquq tarmoqlari mavjud: masalan, yer huquqi, qishloq xo‘jalik huquqi, ijtimoiy ta’minot huquqi va h.k.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi – T., “O‘zbekiston”, 2014.
2. O.Karimova va boshqalar: O‘zbekiston davlati va huquqi asoslari: Darslik.–T., 2014.
3. O‘zbekiston Respublikasi Davlat Hukumati portali: www.gov.uz
4. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining Davlat va huquq asoslari fani darsliklari.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FUQAROLIGI

Ro'zmetova Marjon Axmedjanovna

Xorazm viloyati Xonqa tumani
33-son umumta'lim maktabning
huquq fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasida fuqolarning huquqiy holati, fuqarolik to'g'risidagi qonun, fuqarolik olish va fuqarolikni to'xtatish masalalari bo'yicha mulohaza yuritilgan.

Kalit so'zlar: fuqarolik, O'zbekiston, qonun, huquq, ota-ona, javobgarlik.

Fuqarolik jismoniy shaxslar va davlat o'rtasida barqaror siyosiy-huquqiy aloqalar mavjudligini anglatadi. Fuqarolik shaxsning huquqiy holatini qonunan tartibga soladi va uning tegishli huquqlari va majburiyatlarini belgilab beradi.

Biroq fuqarolik maqomi har bir insonga berilmaydi, chunki mamlakatda yashaydigan hamma odamlar ham uning fuqarolari hisoblanmaydi. Boshqa davlatlarda bo'lgani kabi, O'zbekistonda ham ma'lum hayotiy holatlardan kelib chiqib, vaqtinchalik yoki muntazam yashaydigan O'zbekiston fuqarosi bo'lmagan odamlar ko'plab topiladi. Bu toifaga xorijiy fuqarolar hamda boshqa davlat fuqarosi ekanligini isbotlay olmaydigan fuqaroligi bo'lmagan shaxslar kiradi.

Biroq O'zbekiston fuqarosi bo'lishmasa ham, bu shaxslar uning qonunlariga rioya etishlari, Konstitutsiyada, qonunlarda va xalqaro shartnomalarda belgilangan majburiyatlarni bajarishlari shart.

«O'zbekiston Respublikasining fuqaroligi to'g'risida»gi Qonun 1992-yil 2-iyulda qabul qilingan. O'zbekiston Respublikasining fuqarolik to'g'risidagi qonunlari O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi asosida qabul qilingan ushbu Qonundan va O'zbekiston Respublikasining shu Qonunga muvofiq chiqariladigan boshqa qonun hujjatlaridan iboratdir.

O'zbekiston Respublikasida xorijiy fuqarolar va fuqaroligi bo'lmagan shaxslarning huquq va erkinliklari xalqaro huquq me'yorlariga muvofiq ta'minlanadi. Ular inson huquqlari sohasidagi har bir odamga nisbatan e'tirof etilgan xalqaro hujjatlar tomonidan tan olingan huquq va erkinliklardan foydalanishadi. Faqat davlat fuqarolariga taalluqli bo'lgan favqulodda huquqlar bundan mustasno. O'zbekiston fuqarolaridan farqli ravishda xorijiy fuqarolar saylash huquqidan foydalana olishmaydi, deputatlar yoki senatorlar sifatida saylanishga va harbiy xizmat qilishga haqli emas. Bu barcha davlatlarda tan olingan amaliyot bo'lib, bunday cheklovlar tahqirlash choralari hisoblanmaydi.

O'zbekiston Respublikasida mamlakatda yashaydigan barcha odamlar uchun yagona fuqarolik belgilangan bo'lib, ularning tengligi Konstitutsiya darajasida belgilangan. Bu tamoyilga ko'ra barcha fuqarolar qonun oldida tengdirlar. Ijtimoiy holati, irqiy yoki milliy kelib chiqishi, genderlik aloqadorligi, tili, dini yoki siyosiy ishonchidan qat'i nazar hech narsa fuqarolar tengligiga ta'sir etolmaydi. Fuqarolar teng huquqliligining buzilishi konstitutsional huquq va erkinliklarga qarshi jinoyat deb tan olinadi va O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga (141-moddasi) muvofiq jinoiy-huquqiy javobgarlikka tortiladi. O'zbekistonda ikki fuqarolik tan olinmaydi.

«O'zbekiston Respublikasi fuqaroligi to'g'risida»gi Qonunda fuqarolikni olishning bir nechta asosi keltirilgan:

- tug'ilganligi bo'yicha;
- O'zbekiston Respublikasi fuqaroligini olishi natijasida;
- O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalarida nazarda tutilgan asoslarga ko'ra;
- «O'zbekiston Respublikasi fuqaroligi to'g'risida»gi Qonunda nazarda tutilgan boshqa hollarda.

Bolaning tug'ilishi tug'ilgan davlati fuqaroligini o'z-o'zidan olish uchun tabiiy asos bo'lib xizmat qiladi. Bola O'zbekiston hududida yoki undan tashqarida tug'ilganiga qaramay, agar uning ota-onasi O'zbekiston fuqarolari bo'lishsa, u o'z-o'zidan uning fuqaroligini oladi. Agar ota-onasidan biri O'zbekiston fuqarosi bo'lmasa ham, bola O'zbekiston fuqaroligini olishga haqli. Ota-onasi apatrid bo'lib, ular doimo O'zbekiston hududida yashashsa ham, bola O'zbekiston fuqaroligini oladi. Hatto ota-onasi noma'lum bo'lgan taqdirda ham bola o'z-o'zidan fuqarolikka ega bo'ladi.



O‘zbekiston Respublikasi fuqaroligining to‘xtatilishiga quyidagilar asos bo‘ladi:

- davlat fuqaroligidan chiqish;
- fuqarolikning yo‘qotilishi oqibatida;
- O‘zbekiston xalqaro shartnomalarida nazarda tutgan boshqa asoslarga ko‘ra.

Iltimosnoma bilan murojaat qilgan shaxs jinoiy javobgarlikka tortilgan yoki unga nisbatan ijro etiladigan sud hukmi kuchga kirgan hollarda fuqarolikdan chiqishga yo‘l qo‘yilmaydi. Fuqarolikdan chiqishi O‘zbekiston davlat xavfsizligi manfaatlariga zid bo‘lgan taqdirda ham bunday iltimosnoma rad etiladi.

Qonunda shuningdek fuqarolikdan chiqishning alohida asoslari keltirilgan.

Bunday asoslarga quyidagilar kiradi:

- shaxs chet davlatda harbiy xizmatga, xavfsizlik xizmati idoralariga, politsiyaga, adliya idoralariga yoki davlat hokimiyati va boshqaruvining boshqa idoralariga ishga kirganligi natijasida;
- agar chet elda doimiy yashovchi shaxs uch yil ichida uzrli sabablarsiz konsullik hisobiga turmagan bo‘lsa;
- agar O‘zbekiston Respublikasi fuqaroligi yolg‘onligi shak-shubhasiz ma‘lumotlar yoki soxta hujjatlar taqdim etish natijasida olingan bo‘lsa;
- agar shaxs chet davlat foydasini ko‘zlab faoliyat yuritish yoki tinchlik va xavfsizlikka qarshi jinoyatlar sodir etish orqali jamiyat va davlat manfaatlariga jiddiy zarar yetkazgan, shuningdek, terrorchilik tashkilotlarida ishtirok etgan bo‘lsa;
- agar shaxs chet davlatning fuqaroligini olgan bo‘lsa.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. V. A. Kostetskiy “Davlat va huquq asoslari” O‘rta ta‘lim maktablarining 10-sinfi va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘limi muassasalari o‘quvchilari uchun darslik.
2. O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi.
3. OAV materiallari.



DAVLAT VA HUQUQ ASOSLARI FANIDA NOANANAVIY DARSLARNI TASHKIL ETISH

Turayev Siroj Jasurovich

Xorazm viloyati Yangibozor tumani
7-son maktabning huquq fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada huquqshunoslik fanlarini o'qitishda yangi pedagogik texnologiyalarning ahamiyati, noananaaviy darslarni tashkil etish bo'yicha ko'rsatmalar berilgan va mulohaza yuritilgan.

Kalit so'zlar: huquq, pedagogik texnologiya, huquqiy ong, huquqiy madaniyat, o'qituvchi, dars, ta'lim.

Mustaqil davlatimizni rivojlantirish istiqbollari har tomonlama bilimli, yoshlar qo'lida bo'lib, bu ulardan yuksak huquqiy ong va huquqiy madaniyatga ega bo'lish huquqni puxta bilishni talab qiladi. Huquqiy bilim berish orqali huquqiy madaniyatning yuksalishiga erishiladi va huquqiy ong shakllantiriladi.

O'quvchi-yoshlarga huquqiy bilim berish, ularda milliy huquq tizimi to'g'risida tasavvur uyg'otish, huquqiy madaniyatni yuksaltirish, qonun ustuvorligini anglash, huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatini yuzaga keltirishda ta'lim muassasalarining hamda biz pedagoglarning o'rni alohida mazmun kasb etadi. Ta'lim muassasalarida amalga oshirilishi ko'zda tutilgan huquqiy ta'limning asosiy maqsadi aynan bir vazifa, o'quvchilarga bilim berish bilan bir qatorda, ularning qonun va qoidalarga itoatkorlik bilan ko'nikma va malakalarni shakllantirishga qaratilishi lozim. Bu o'rinda har bir darsga alohida yondoshgan holda, o'quvchilarga ta'lim tarbiya berishning ilg'or usullaridan foydalanish maqsadga muvofiq bo'lar edi. “2017-2021-yillar uchun harakatlar strategiyasi” da Yurtboshimiz Sh.Mirziyoyev ta'lim tizimini, ayniqsa huquqiy tizimni rivojlantirish orqali aholi huquqiy ong va madaniyatini yuksaltirishga erishish zarurligi, buning uchun ta'lim tizimida islohatlarni yanada chuqurlashtirish haqida alohida to'xtalib o'tdi.

Huquqiy ta'limni innovatsion metodlar vositasida tashkil etish orqali huquqiy madaniyatning yuksalishiga erishiladi. Umumta'lim maktablarida huquqiy ta'limni samaradorligini oshirish orqali o'quvchilarni mustaqil faoliyat yuritishga tayyorlanish, hayotiy maqsadni belgilay olish, ma'naviy-axloqiy xulq-atvorini takomillashtirish, kasbiy faoliyat yo'nalishini belgilab olishga nisbatan jiddiy munosabatda bo'lishga erishish mumkin. O'quvchilar ongiga ijtimoiy munosabatlarning huquqiy me'yorlarni singdirish, ularni nobaqbul hatti-harakatlar sodir etishdan himoya qiluvchi mezonlar ekanligi haqida tasavvur hosil qilish, o'quvchilarda quyidagi holatlarning rivojlanishiga zamin yaratadi:

1. Yoshlarda huquqiy me'yorlar, qonunlarning nafaqat davlat, balki shaxs manfaatlarini birdek himoya qilishiga nisbatan ishonchning shakllanishiga erishish;
2. O'quvchilarni huquqqa oid bilimlarni o'zlashtirishga bo'lgan ichki extiyoj va qiziqishining yuzaga kelishini ta'minlash;
3. O'quvchilarda ijtimoiy-huquqiy me'yorlar, qonunlarga nisbatan hurmat va itoatkorlikni qaror toptirish;
4. O'quvchilarda har qanday ko'rinishdagi huquqbuzarlikka qarshi kurashish tuyg'usini tarbiyalash;
5. O'quvchilarda ijtimoiy –huquqiy madaniyat va faollikni qaror toptirish;

Hozirgi vaqtda ta'lim jarayonida o'qitishning zamonaviy metodlari keng qo'llanilmoqda. O'qitishning zamonaviy metodlarini qo'llash o'qitish jarayonida yuqori samaradorlikka erishishga olib keladi. Ta'lim metodlarini tanlashda har bir darsning didaktik vazifasidan kelib chiqish maqsadga muvofiq sanaladi. Buning uchun dars jarayonini oqilona tashkil qilinishi, ta'lim beruvchi tomonidan ta'lim oluvchilarni qiziqishini orttirish, ularning ta'lim jarayonida faolligi mustaqil rag'barlantirib turilishi, o'quv materiallarini kichik-kichik bo'laklarga bo'lib, ularni mazmunini ochishda aqliy hujum, kichik guruhlarda ishlash, baxs-munozara, muammoli vaziyat, yo'naltiruvchi matn, loyiha, rolli o'yinlar kabi metodlarni qo'llash va ta'lim oluvchilarni amaliy mashqlarni mustaqil bajarishga undash talab etiladi.

O'qituvchi zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanar ekan, albatta bunda birinchi navbatda fan, mavzu, o'quvchilar yoshi, kasbiy yo'naltirilganligi va shu kabi bir necha jihatlarga



```
graph TD; Muammo --> Guruxda_muhokama_qilish[Guruxda muhokama qilish]; Guruxda_muhokama_qilish --> Yakka_tartibdagi_ish[Yakka tartibdagi ish]; Guruxda_muhokama_qilish --> Gurux_ishi[Gurux ishi]; Yakka_tartibdagi_ish --> Olingan_ma'lumotlarni_taxlil_qilish[Olingan ma'lumotlarni taxlil qilish]; Gurux_ishi --> Taqqimotga_tayyorlanish[Taqqimotga tayyorlanish]; Olingan_ma'lumotlarni_taxlil_qilish --> Taqqimotga_tayyorlanish; Taqqimotga_tayyorlanish --> Taqqim_etish[Taqqim etish]; Taqqim_etish --> Guruxda_muhokama_qilish;
```

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyev asarlari
2. Maktablarning huquq fani darsliklari
3. X.T.Odilqoriyev Davlat va huquq nazariyasi.



УЙ-ЖОЙ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аллаярова Муаттар Чорияровна

Хукукшунос

Телефон: +998949110408

Аннотация: Ҳозирги кунга аҳоли сонининг ошиши ва урбанизациянинг ривожланиши натижасида уй-жойга бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Мазкур тезисда кўчмас мулк олди-сотди шартномасининг белгилари, уй-жой олди-сотди шартномасини амалга оширишда эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлар, шунингдек уй-жойни тасарруф қилишда тўловни амалга оширишнинг ўзига хос-хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: кўчмас мулк олди-сотди шартномаси, шартнома турлари, бир йўла тўлаш, бўлиб-бўлиб тўлаш, аралаш шакл, ипотека кредити асосида тўловни амалга ошириш.

Фуқароларнинг турар-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида янгича кўриниш ва мазмун касб этмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектлари томонидан турар-жойларни қурилиши ва сотишили амалиёти кенг тарқалган. Шунингдек, давлат дастурлари доирасида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, замонавий ва сифатли уй-жойларни қуриш, республикаимиз ҳудудлари қиёфасини бутунлай янги бир босқичга кўтаришга қаратилган тадбирлар ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 479-моддасига мувофиқ, кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига (кўчмас мулкни сотиш шартномасига) биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни ўз зиммасига олади[1].

Жисмоний шахслар ўртаси турар жой олди-сотди шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тасдиқланиши, шунингдек кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига кўра, бир томон (сотувчи) кўчмас мулкни бошқа томонга топшириш мажбуриятини олади, иккинчи томон (сотиб олувчи) ушбу мулкни қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади[2].

Шартнома унда иштирок этаётган тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро тақсимланишига қараб бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга бўлинади. Бир томонлама шартномада иштирок этаётган тарафларнинг бирида фақат ҳуқуқ бўлади, иккинчи тарафда эса фақат мажбурият бўлади. Масалан, қарз шартномасида қарздор олган пул суммасини ўз вақтида қарз берувчига қарзга берган пул суммасини талаб қилиш ҳуқуқига эга[3].

Икки томонлама шартномада эса ҳар икки тараф ҳам мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлади. Бундай шартномага олди-сотди шартномасини мисол қилиб келтириш мумкин.

Кўп томонлама шартномалар ҳам мавжуд бўлиб, унда тарафлар уч ва ундан ортиқ бўлади. Уларда бир пайтнинг ўзида ҳар бир тарафда муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўлиши характерлидир. Масалан, лизинг шартномаси.

Шартномалар ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномаларга бўлинади. Ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар бир тараф топширган мулки, қилган хизмати эвазига пул ёки мулк билан ҳақ олади. Текинга тузиладиган шартномада эса, бир тараф бошқа бир тараф фойдасига ҳақ олмай, бирон-бир мулкни топшириш, бирон ишни бажариши мумкин. Масалан, ҳадя шартномаси бўйича мулк эгаси ўз мулкни бошқа бир шахсга текинга беради.

Шартномалар тузилиш пайтига ва мазмунига қараб консенсуал ва реал шартномаларга бўлинади. Консенсуал шартномалар ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафларнинг келишувлари асосида қонун талаб қилган шаклда расмийлаштирилганлари заҳоти тузилган ҳисобланади. Консенсуал шартномага мисол қилиб олди-сотди, маҳсулот этказиб бериш ва пудрат каби шартномаларни кўрсатса бўлади. Реал шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафлар ўзаро келишган ва шартнома нарсаси ашё ёки пул топширилган пайтдан вужудга келади. Реал шартномага мисол қилиб қарз, омонат ва ҳадя шартномаларини кўрсатиш мумкин.



Юқорида қилинган таҳлилдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, уй-жой олди-сотди шартномаси тарафлар иштирокига кўра икки томонлама шартнома ҳисобланади, ҳақ эвазига тузилади ва тузилиш вақти ҳамда мазмунига кўра консенсуал шартномадир.

Бугунги кунда, олди-сотди шартномаси фуқаролик муносабатларида энг кўп тарқалган шартнома турларидан бири ҳисобланади. Ушбу шартнома, унинг бозор иқтисодиёти шароитида қўллашнинг қулайлиги ва қўллаш соҳасининг кенглиги билан аҳамиятлидир[4].

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг изчил ўсиш аҳолининг иқтисодий шароитларининг яхшиланиши, даромадларининг муттасил ошиб боришини таъминламоқда ҳамда мазкур ҳолат одамларнинг замонавий уй-жойларга бўлган талабларини кучайтирмоқда. Бу эҳтиёжни қондиришда тижорат банклари томонидан ажратилаётган ипотека кредитларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Шунингдек, сотиб олиниши режалаштирилган уй-жой буйича тўловни амалга оширишнинг ҳам бир неча усуллар орқали амалга оширилиши сотиб олувчиларга қўшимча имконият яратмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда қуйидаги тўлов усуллари орқали уй-жойни тасарруф этиш мумкин:

- бир йўла тўлаш;
- бўлиб-бўлиб тўлаш;
- аралаш шакл;
- ипотека асосида тўловни амалга ошириш.

Бир йўла тўловни амалга ошириш орқали уй-жойни тасарруф қилиш ўзига хос хусусиятларга эга. Яъни, мазкур олди-сотди шартномаси қулайлиги ва осонлиги билан аҳамиятлидир. Мулк ҳуқуқини белгиловчи давлат реестридан кўчирма ва мулк ҳуқуқини вужудга келиш асоси (олди-сотди шартномаси, ҳадя шартномаси, мерос гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатлар) тегишли нотариусга тақдим қилингандан кейин, нотариус томонидан кўчмас мулкнинг мулкдори тўғрисидаги маълумотлар ва қарздорликлар текширилади, шундан сўнг олди-сотди шартномаси тарафлар ўратасида имзоланади. Уй-жой олди-сотдиси амалга оширилгандан кейин, нотариус томонидан расмийлаштирилган олди-сотди шартномаси электрон равишда тегишли кадастр органига юборилади ва 1 кун ичида мулк ҳуқуқи сотиб олувчи номига расмийлаштирилган давлат реестридан кўчирма шакллантирилади ва мазкур кўчирмани исталган нотариусдан ёки интернет тармоғи орқали олиш имконияти яратилган.

Уй-жой пулини бўлиб-бўлиб тўлаш курувчи ташкилот ва харидор ўртаси тузиладиган улушли қурилиш шартномаси, инвестиция шартномаси ва бошқа тегишли шартнома асосида амалга оширилади. Қурилиши тугалланмаган ёки энди бошланган уй-жойларни харид қилишда юқоридаги шартномаларни тузиш харидорларга уй-жойнинг нархини бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини яратади. Мазкур уй-жойларнинг арзонлиги ва фоииз тўланмаслиги ҳам харидорларга қўшимча имконият яратади. Ушбу шартнома фуқаро томонидан қурилишга маълум миқдордаги пул маблағи киритилишини, қурилиш битганидан сўнг ундаги хонадонга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритилишини назарда тутаяди.

Шартнома буйича жами тўлов амалга оширилганда, уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномаси асосида сотиб олувчига ўтказилади. Тўловнинг бир қисми амалга оширилганда ҳам иккала тарафнинг розилигига кўра, уй-жой сотиб олувчининг номига ўтказилиши мумкин. Мазкур ҳолатда, жами тўлов сотиб олувчи томонидан тўлиқ тўлангунга қадар, сотилаётган уй-жойга нисбатан таъқиқ сақланиб қолади. Жами тўлов амалга оширилгандан кейин, сотувчининг берган хати асосида таъқиқ нотариус ва тегишли кадастр органи томонидан ечилади.

Тўловни амалга оширишни аралаш шакли амалиётда қурилиши тугалланмаган ёки энди бошланган уй-жой бўйича дастлаб улушли қурилиш ва бошқа тегишли шартнома асосида бўлиб-бўлиб тўлаш амалга оширилади, уй-жойни кадастр ҳужжати, яъни мулк ҳуқуқини белгиловчи давлат реестридан кўчирма чиққандан кейин ипотека кредити расмийлаштирилади.

Ипотека шартномаси бўйича асосан қурилиши тугалланган уй-жойлар тасарруф қилиш мумкин. Лекин, ҳозирги кунда қурилиш фирмалари ва банклар келишувига кўра қурилиши тугалланмаган уй-жойларни ҳам ипотека кредити асосида расмийлаштириш имконияти яратилган. Масалан, Olmazor Business City, Premier house ва Minerva City тура жой мажмуаларидан уй-жой сотиб олишда мазкур имконият яратилган.

Қурилиши тугалланган уй-жойларни тасарруф қилишда, агар уй-жой бирламчи бозордан,



яъни курувчидан сотиб олинаётган бўлса, сотувчи, сотиб олувчи ва банк ўртасида шартномаси тузилади ва уй-жой сотиб олувчининг номига ўтказиб берилади, шунингдек ушбу шартнома билан сотиб олинган уй-жойга таъқиқ қўйилади. Шунингдек, мазкур турдаги уй-жойларни тасарруф қилишда дастлаб олди-сотди шартномаси, сотиб олувчи номига давлат реесридан кўчирма чиқгандан кейин эса, банк ва сотиб олувчи ўртасида гаров шартномасини имзолаш амалиёти ҳам мавжуд.

Хукукшунос олим Сурков Н.А. фикрича, кўчмас мулк олди-сотди шартномаси томонлари шартномани имзолашдан олдин сотиб олинаётган кўчмас мулкнинг ҳукукий ҳолати, хусусан: ушбу кўчмас мулкнинг учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқми, сотувчи кўчмас мулкнинг мулкдорими ва кўчмас мулк билан боғлиқ қарздорликлар мавжуд ёки йўқлиги тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак[5].

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, сотиб олувчи томондан сотиб олинаётган уй-жой кимга тегишлилиги, унда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари мавжудлиги ёки аксинчалиги, уй-жой билан боғлиқ қарздорлик ёки таъқиқлар ҳам текширилиши керак. Чунки уй-жой олди-сотдиси тўғри расмийлаштириш орқали келажақда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларнинг олди олинади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, уй-жой олди-сотди шартномаси тарафлар иштирокига кўра икки томонлама шартнома ҳисобланади, ҳақ эвазига тузилади ва тузилиш вақти ҳамда мазмунига кўра консенсуал шартномадир.

Бунга қўшимча равижда, бир йўла тўловни амалга ошириш орқали уй-жойни тасарруф қилиш қулайлиги ва олди-сотди жараёнининг соддалиги билан аҳамиятлидир.

Уй-жой пулини бўлиб-бўлиб тўлаш курувчи ташкилот ва харидор ўртаси тузиладиган улушли қурилиш шартномаси, инвестиция шартномаси ва бошқа тегишли шартнома асосида амалга оширилади. Қурилиши тугалланмаган ёки энди бошланган уй-жойларни харид қилишда юқоридаги шартномаларни тузиш харидорларга уй-жойнинг нархини бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини яратади. Мазкур уй-жойларнинг арзонлиги ва фоиз тўланмаслиги ҳам харидорларга қўшимча имконият яратади.

Ипотека шартномаси бўйича асосан қурилиши тугалланган уй-жойлар тасарруф қилиш мумкин. Лекин, ҳозирги кунда қурилиш фирмалари ва банклар келишувига кўра қурилиши тугалланмаган уй-жойларни ҳам ипотека кредити асосида расмийлаштириш имконияти яратилган. Масалан, Olmazor Business City, Premier house ва Minerva City тура жой мажмуаларидан уй-жой сотиб олишда мазкур имконият яратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган Фуқаролик кодекси //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-сон, 1-модда; 1997 й., 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; 21.04.2021 й., 21.08.2021 й., 03/21/709/0808-сон//.

2. Михайленко Е.М. Гражданское право. Общая часть. М., Юрайт. 2014. С.98.

3. Шершеневич Г.Ф. Курс гражданского права. Тула. 2013.. С.114.

4. Максимов С.Н. Управление недвижимостью: Учебник. М., Дело. 2011. С.58.

5. Сурков Н.А. Указ. соч. С. 104.



ҲУҚУҚИЙ ИДЕАЛИЗМ ВА ҲУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМ ТУШУНЧАЛАРИГ ТАРИФ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ЧОРА – ТАДБИРЛАР.

Комилов Мирхаёт Шавкатжон ўғли

Тошкент давлат юридик университети 1-курс талабаси

“М.Нажимов илмий мактаби аъзоси

Телефон: +998(91) 144 10 29

mirhayot77@gmail.com

Аннотатсия: Мазкур илмий мақолада ҳуқуқий идеализм ва ҳуқуқий ниғилизм илмий, назарий ҳамда ҳуқуқий жихатлар билан таҳрир қилинган ва бу иллатларга қарши бизнинг мамлакатимизда ўтказилаётган чора тадбирлар ҳақида малумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Ҳуқуқий идеализм, ҳуқуқий ниғилизм, бузилган онг.



Ҳуқуқий ниғилизм ва идеализмларга ҳуқуқшунос олим Ш.Сайдуллаевнинг фикри:

Ҳуқуқий ниғилизм жамият ҳуқуқий тараққиётининг тизимли ва мақсадга мувофиқ ривожланишига жиддий хавф туғдирувчи ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига тўсиқ бўлувчи салбий ҳодисалардан биридир.

Ниғилизм (лотинча “nihil” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “ҳеч нарса”, “инкор” деган маънони англатади). Ҳуқуқий ниғилизм шахсларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг муайян ҳуқуқий қадриятларга, нормаларга, белгиланган тартиб-қоидаларга салбий муносабатини, менсимаслик ва ишончсизлик кайфиятини ифодалайди.

Ҳуқуқий ниғилизм қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

назарий шакл (олимлар, мутафаккирлар, сиёсатшунослар томонидан муайян манбаларда ҳуқуқни инкор қилиниши);

амалий шакл (фаол ва суст (пассив)).

Фаол ҳуқуқий ниғилизм – ижтимоий муносабатларда ҳуқуқни очиқдан-очиқ инкор қилиш;

Суст ҳуқуқий ниғилизм – жамиятдаги кишилар томонидан амалдаги ҳуқуқ нормаларини менсимаслик.

Ҳуқуқий идеализм – ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш имкониятларига ортқча баҳо бериб юборилиши билан ажралиб турадиган ҳуқуқий онг ҳолатидир.

Ҳуқуқий ниғилизм ҳолатида қонунлар назар-писанд қилинмайди, улар очиқ-ойдин бузилади, ижро этилмайди, қадрланмайди, иззат-ҳурмат қилинмайди. Ҳуқуқий идеализмда, аксинча, қонунларга барча муаммоларни бир зумда ҳал қилишга қодир мўъжизакор кучга эга бўлган ҳужжат сифатида қаралади. Ҳуқуқий ниғилизм ва ҳуқуқий идеализм битта илдиздан, яъни юридик билимсизликдан, ривожланмаган ва бузилган ҳуқуқий онгдан, сиёсий-ҳуқуқий маданият етишмаслигидан озик олади. Мазкур ҳолатда ҳуқуқий онг деформациясининг юқоридаги шакллари бир-бирига нисбатан қарама-қарши



йўналишга эгадек кўринсада, пировард натижада улар бирлашади ва ҳуқуқий онгнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади[1].

Н.Матузовнинг таъбири билан айтганда, “Бизнинг олдимизда битта медалнинг икки томони намоён бўлади”[2]. Гарчи ҳуқуқий идеализм ижтимоий воқеликда нисбатан камроқ намоён бўлсада, ушбу ҳодиса давлат ва жамиятга худди ҳуқуқий нигилизм сингари зарар келтиради.

Ҳуқуқий нигилизм ва идеализмларга ҳуқуқшунос олим З.Исломовнинг фикри:

Ҳуқуқий нигилизм. Ижтимоий ҳуқ-атворнинг шаклларида бири бўлган нигилизм мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлоқий нормаларни, маданий мерос ҳамда идеалларни инкор этиш демакдир. Инкор этиш нигилизм барча шаклларида умуий белгиси ҳисобланади. Зеро, эскилик ва турғунликни, разолат ва зулмни табиий тарзда инкор этувчи нигилизм нигилизм ҳисобланмайди. Масалан, чоризм, большевизм ва ижтимоий жабр-зулмга қарши курашган, миллий истиклолни ўйлаган жадид боболаримиз – Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулҳамид Чўлпон, Бобоохун Салимов ва бошқаларни тарих тараккипарварлар сифатида баҳолаши бежиз эмас.

Ҳуқуқий нигилизм – ижтимоий нигилизмнинг кўринишларидан биридир. У моҳиятан ҳуқуққа, қонунларга, норматив тартибга салбий, инкор қилувчи, ҳурматсизлик муносабатида бўлиш демакдир. Бунда ҳуқуқни шунчаки билмасликнинг ўзи ҳам муҳим ўрин тутди.

Иван Ильин шундай ёзган: “Ўз мамлакати қонунларини билмайдиган халқ ҳуқуқдан ташқарида ҳаёт кечиради ёки ҳуқуқнинг беқарор куртаклари билангина кифояланади. Халқ қонунларни муносиб равишда билиши зарур, чунки бу хусусият ҳуқуқий ҳаёт таркибига киради. Шунинг учун ҳам халқ ҳуқуқни билишдан маҳрум бўлган тартиб бемаъни ва хавфлидир. Маънавий мавжудот сифатида инсон Ер юзида ҳуқуқдан ташқарида яшаши мумкин эмас”[3].

Ўтмишда қонун деганда юридик нормалардан кўра ҳам кўпроқ давлат бошлиғи, монарх тушунилган. Ҳуқуқ бошлиқлар кўрсатмаси, деган қараш халқ орасида кенг тарғиб қилинган.

Ўз вақтида Л.Фейербах шундай таъкидлаганди: “Ҳамма нарса подшонинг марҳаматида боғлиқ бўлган давлатда ҳар қандай қоида омонатдир”[5]. Аслида ҳуқуқдан кўпинча “калтак” сифатида фойдаланилар эди. Зотан, калтак билан ҳужум қилиш ҳам, ҳимояланиш ҳам мумкин. Бу дегани – ҳуқуқ у кимнинг қўлида эканлигига қараб, яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам хизмат қилиши мумкин деганидир.

“Бугунги кунда ҳукумат олдида турган вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши учун, менинг фикрим бўйича, авваламбор, иккита нарсани талаб қилиш керак.

Биринчи талаб – ҳар бир мутасадди раҳбарнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш. Уларнинг ҳаёлида бир гап: ҳеч ким менга тегмаса бас, тинчгина куним ўтса бўлди. Бу энг номаъқул, керак бўлса, энг зарарли ёндашувдир.

Иккинчи масала – ҳукумат аъзоси сифатида сизларга катта ишонч, катта вазифа юклатилган. Рус тилида бунини “компетентность” дейди. Яъни, ўз соҳасида компетентли бўлиш – бу замон талаби. Ўзбекча айтганда, ўз ишининг устаси бўлиш, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш керак.

Биз ҳар бир раҳбарнинг фаолиятига мана шу икки талабга қай даражада жавоб беришига қараб баҳо берамиз ва ҳулоса чиқарамиз. Мен бу икки талабдан биринчисига, яъни масъулият масаласига кўпроқ эътибор бераман. Майли, раҳбарнинг билими етишмасин, уни ўрганса бўлади. Лекин у масъулият ва жа-вобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмайди”[6].

Бузилган онг – айниган, нуқсонли ҳуқуқий онгнинг энг кескин даражасидир. У кўп жиҳатдан нигилизмга ўхшаб кетади. Чунки ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳуқуқ назарписанд қилинмайди, инкор этилади. Шунга қарамай, бузилган онг ҳуқуқий нигилизмдан нафақат ижтимоий хавфлилик даражаси билан, балки ваз сабаблари жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Бузилган онг фақат қонунни онгли равишда инкор этибгина қолмай, бу қусурни у ғаразғўйлик,



шафқатсизлик, очкўзлик каби мақсадлардан келиб чиқиб амалга оширади. Бузилган онг намоён бўлишининг асосий шакли ҳар қандай давлат ҳаётининг ўтиш даври учун айниқса хос бўлган жиноятчилик ва коррупция ҳолатлари билан бевосита боғлиқдир [7]. Айниқса, қонунларнинг ижро этилмаслиги ҳокимиятнинг кучсизлигидан далолат беради.

Ҳуқуқий идеализм. Агар ҳуқуқий нигилизм ҳуқуқни назарписанд қилмаслик ёки уни инкор этиш ҳисобланса, ҳуқуқий идеализм ҳуқуқни ҳаддан ташқари юксак баҳолаш, идеаллаштиришни англатади. Иккала ҳодиса ҳам ҳуқуқий саводсизлик, ҳуқуқий онг яхши ривожланмаганлиги, сиёсий-ҳуқуқий маданият пастлигининг натижасидир. Гарчи ҳуқуқий идеализм ҳуқуқий нигилизм каби кўзга яққол ташланмасада, бу ҳодиса давлатга, жамиятга ҳуқуқий нигилизмдан кам зарар етказмайди.

Ўзбекистонда ислохотларни босқичма-босқич якунига етказиш мустаҳкам ҳуқуқий негизни тақозо этади. Ўзбекистоннинг икки палатали янги парламенти Конституцияга мувофиқ давр ва ислохотлар талабларига жавоб берувчи қонунлар мажмуини қабул қилиши лозим. Бунда халқ вакиллари қонунларнинг амалдаги имкониятлари ва уларнинг чегаралари, бу қонунларни амалга татбиқ этиш йўллари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари муҳим. Акс ҳолда, жамият яна умидлар оғушига қайтиши ҳеч гап эмас [8].

Бизнинг фикримизча ҳуқуқий нигилизм – ҳуқуқий билимсизликдан келиб чиқмайди у ҳуқуқни назар – писанд қилмаслик ва ҳуқуқни ошқора равишда бузиш билан вужудга келади. Ҳуқуқий идеализм еса ҳуқуқни ҳаддан ташқари муоммоларни тез ва осон равишда йечиб берадиган воситв сифатида иохий куч сифатида қарашдир. Бу иккиси ҳам ижтимоий ҳаётга бир хил зарар йетгазди деган фикрдамиз. Бизнинг давлатимизда ҳам ҳуқуқий нигилизмни йўқотишга доир жуда ҳам коп чора – тадбирлар отказилмоқда. Улардан бири ҳуқуқшунос ва давлат бошқарувида ишлаётган кадирларни малакасини ошириш, қонун устуворлигини ошириш ва суднинг аҳамиятини оширишга ҳаракат қилинбади. Ҳуқуқшуносларни малакасини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, Тошкент давлат юридик университети ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика юристлар малакасини ошириш маркази кабилар самарали иш олиб бориб келишмоқда. Давлат бошқарувида ишлаётган кадирларни малакасини ошириш учун еса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси жудаям фойдали иш фаолиятини олиб бормоқда. Мамлакатимизда шахс ҳуқуқий онги ва маданиятини, унинг ҳуқуқий фаоллигини, ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимининг мустаҳкам қонунчилик асосларини белгиловчи қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини гаприб ўтиш зарур.

Бунга қонунчиликдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш” тўғрисидаги Концепцияси яққол мисол бўлади:

1-боб. Умумий қоидалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Концепция Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истикболдаги босқичларини белгилайди ҳамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади...

Яна бир яққол мисол Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш”



тўғрисидаги Концепцияси:

II. Концепциянинг асосий мақсади ва вазифалари.

1. Аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришиши, мустаҳкам иродали, ўз ҳуқуқларини биладиган ва қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ва ҳуқуқбузарликка нисбатан мурасиз муносабатда бўладиган фуқароларни тарбиялашнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш Концепциянинг асосий мақсадидир...

Хулоса: Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ҳуқуқий нигилиз ва ҳуқуқий идеализм давлатнинг ривожланишига, инсонларнинг яни фуқароларнинг қонунларга бўлган ишончига, қонун устиворлигига ва давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд ҳокимиятининг фаолиятига бўлган ишончига салбий таъсир отгазувчи омил сифатида намоён бўлади. Бу омил билан биз ҳуқуқшунослар жудаям қаттиқ қурашимиз керак деб ўйлайман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. –Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 220 б.
2. Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм/ Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько. – М., 2001. – С.712.
3. Фейербах Л. Философские произведения. Т. 1. М., 1955, –643 бет.
4. Ильин И.А. О сущности правосознания. М., 1993, –500 б.
5. Февраль воқеалари. Т., “Ўзбекистон”, 1999, – 300 бет.
6. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007. – 600 б.
7. Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. –Тошкент: Янги авлод нашриёти, 2020. – 528 бет.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони.www.lex.uz
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони.www.lex.uz



СУД МАЖЛИСИНИ ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИДА ЎТКАЗИШ ҲАМДА СУД МАЖЛИСЛАРИНИ АУДИО ВА ВИДЕО ҚАЙД ЭТИШНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Эшмирзаев Зоҳиджон Мухаммадиевич
Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий
судининг судьяси

АННОТАЦИЯ: Суд-ҳуқуқ тизими соҳасини ривожлантириш борасида мамлакатимиз тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар бири бу суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш бўлиб, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши ва суд мажлисларини аудио ва видео қайд этиш суд-ҳуқуқ тизимида рақамли технологияни жорий этишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Ушбу мақола эса суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши ва суд мажлисларини аудио ва видео қайд этишнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини очиқ беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: одил судлов, видеоконференцалоқа, рақамли технология, суд процесси, компьютер технологияси, суд-ҳуқуқ тизими

Суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши

Суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши ҳақида фикр юритишдан олдин видеоконференцалоқа тизими тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Видеоконференцалоқа тизимининг ўзи компьютер технологиясидир. Бу икки ёки ундан ортиқ фойдаланувчининг реал вақт режимида аудио-визуал таъсир ўтказиш имкониятини беради. Бошқача қилиб айтганда, видеоконференцалоқа суд иштирокчиларига телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда бир-бирига уланган шахсий компьютерларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда бир-бирларини кўриш ва эшитиш, маълумотлар алмашиш ва уларни биргаликда ишлашга имкон беради.

Мутахассислар видеоконференцалоқа тизимларининг ишлаши ва уланишини бевосита текширишни амалга оширадилар. Видеоконференцалоқа тизимларидан фойдаланган ҳолда суд мажлиси тугагандан сўнг суд мажлисининг баённомасида ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд мажлисида видеоконференцалоқа орқали иштирок этганлиги тўғрисида ёзув қўйилади. Шундай қилиб, видеоконференцалоқа тизимлари суд мажлисини анча соддалаштиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, суд мажлисида видеоконференцалоқадан фойдаланиш судлар ишида самарадорликка эришиш, суд ишларини кўриб чиқиш вақтини сезиларли даражада қисқартириш имконини беради. Бундан ташқари, видеоконференцалоқа маҳкумларни етказиб бериш ва сақлаш учун давлат харажатларини сезиларли даражада камайитишга, жабрланувчи, мамлакатнинг бошқа минтақаларида яшовчи гувоҳнинг саёҳати учун тўлаш билан боғлиқ суд харажатларини олдини олишга имкон беради.

Видеоконференцалоқа тизимлари маҳкумларнинг ёки ҳибсда сақланаётган шахсларнинг суд мажлиси жойига кузатиб қўйиш жараёнида қочиқ қутулиш имкониятини истисно қилишига имкон яратиши ҳам шу қадар муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасида ҳам суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши тобора такомиллаштирилмоқда.

Суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси ФПК 209-моддаси, ИПКнинг 166-моддаси, ЖПК 911,912,913,914 ва 418-моддалари ва МСИЮТКнинг 144-моддасида ўз ифодасини топган. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 2014 йил 21 августдаги Р№ 83-сонли қарори билан тасдиқланган “Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Вақтинчалик низоми ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу низом видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодий судлар томонидан видеоконференцалоқа режимида суд мажлисларини ўтказишда процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари



тўғрисида”ги 270-сон қарори мавжуд бўлиб, иқтисодий судларда видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ташкил этиш ва ўтказишга оид масалалар ечимини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Алоҳида қайд этиш керакки, суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш амалиёти яратилганлиги ишда иштирок этувчи шахслар ўзлари жойлашган ҳудудлардан чиқмаган ҳолда, видеоконференцалоқа режимида ўзга ҳудудда ўтказилган суд процессларида қатнашиб, кўплаб маблағлари ва вақтлари тежалмоқда.

Қуйидаги статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, бунга мутлоқ амин бўлишимиз мумкин:

Давр (йил)	ВКА режимида кўрилган ишлар сони	млн. сўмда Шундан		
		Ўтказилган суд мажлиси сони	Кўмаклашувчи судда қатнашган иштирокчилар сон	Тахминий тежаб қолинган мблағ
2017 йил	4816	6399	11830	3433,5
2018 йил	4635	6279	12974	4335,5
2019 йил	5528	6871	15672	5189,4
2020 йил	4488	6333	20292	5280,5
2021 йил 4 ой	3345	4345	8713	2532,4
Жами	22812	30227	69481	20771,3

Биз видеоконференцалоқани ижобий жиҳатлари ҳақида тўхталдик, бироқ айрим олимлар видеоконференцалоқани салбий томонлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтган.

А.В.Аносовнинг фикрига кўра, видеоконференцалоқани қўллашда бир нечта негатив ҳолат кўрилади: иш бўйича барча зарур исботларни етарли даражада текшира олмаслик ва оқибатда, суд томонидан нотўғри қарор чиқарилиши хавфи юзага келади. Шахсда, иккинчи томондан тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиб чиқишнинг техник имкониятига мавжуд, лекин амалий имконият ҳар доим ҳам пайдо бўлавермайди. Ўз навбатида суд ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, уларни дарҳол иккинчи томонга танишиб чиқиши учун тақдим этишни имкни бўлмади. Шундай қилиб, ишда иштирок этаётган шахс видеоконференцалоқа орқали мазкур масала бўйича ўзининг важлари ва эътирозларини айтиш имкониятидан маҳрум бўлади, натижада барча зарур далил-исботлар текширилмаганлиги сабабли юқори турувчи инстанция томонидан бекор қилиши мумкин бўлган хато қарор чиқарилишига олиб келиши мумкин.

Суд мажлисларини аудио ва видео қайд этиш

Суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш жорий қилинмоқда. Суд мажлисларда аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда ишларни ёзиб бориш ишларни кўриб чиқишда инсон омилининг ролини сезиларли даражада камайтиради. Суд мажлиси баённомаси янги кўринишга эга бўлади. Бу эса суд ишларини олиб боришда, суд мажлиси баённомаларини юритишда қулайлик яратиши ҳамда тарафларда одил судловга бўлган ишончни оширади. Амалиётда учраётган тарафлар томонидан вақтида суд мажлиси баённомаси билан таниша олмаслик ҳолатлари ҳамда суд мажлиси баённомасига гувоҳларнинг судда баён қилган кўрсатмаларини тўлиқ ёритмаслик ҳолатларининг олдини олади.

Суд мажлисларини аудио-видео қайд этиш тизимининг жорий этилиши хўжалик суди жараёнларини соддалаштириш, суд иш юритувини янада мақбуллаштириш, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилигини, одил судлов фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлаш имконини беради. Суд муҳокамаларининг аудио-видео қайд этилиши истикболда суд мажлиси баённомасини қоғоз шаклида тузиш заруриятини туғдирмайди.

АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги соҳасидаги шериклик” лойиҳасини амалга ошириш доирасида собиқ Олий хўжалик суди ва Тошкент вилоят хўжалик судининг учта суд



залларига суд муҳокамасини аудио-видео қайд этиш имконини берувчи техник ускуналар ўрнатилган.

Таъкидлаб ўтиш керакки, аудио-видео қайд этиш тизими суд жараёнига таалуқли бўлмаган алоқаларни камайтириш орқали суд-ҳуқуқ тизимининг коррупцияга қарши чораларидан бири сифатида хизмат қилиши мумкин. Умуман олганда, аудио-видео қайд этиш тизimini жорий этиш иқтисодий судлов жараёнини соддалаштириш, оптималлаштириш ҳамда иш юритишни автоматлаштириш имконини беради. Ушбу тизимнинг жорий этилиши суд-ҳуқуқ тизимини замонавийлаштиришга ҳамда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш имконини беради.

Таъкидлаш жоиз, иқтисодиёт соҳасидаги низоларининг самарали ва адолатли ҳал этилишини таъминловчи суд-ҳуқуқ тизими, мамалакатимизда ижобий инвестицион муҳитнинг шаклланишига ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига хизмат қилади. Бу эса, жаҳон банкининг “Doing Business” глобал рейтингда шунингдек, бошқа халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш учун замин яратади.

Шу боис, 2018 йил 24 январда тасдиқланган ИПКнинг 165-моддасида суд ташаббусига кўра ёки иқтисодий суд ишлари иштирокчиларининг илтимосномасига кўра суд мажлисининг аудио ёки видеоёзуви амалга оширилиши мумкинлиги белгиланди.

Суд муҳокамаларини аудио-видео қайд этиш тартибини белгилаш мақсадида собиқ Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 2016 йил 26 майдаги қарори билан “Хўжалик судларида суд мажлисларини аудио-видео орқали қайд қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги вақтинчалик тартиб ҳам тасдиқланди. Унга кўра, суд мажлисида аудиоёзув суд мажлиси жараёнида тўхтовсиз амалга оширилади. Суд, суд мажлисида ҳозир бўлганларни суд мажлиси аудио ва (ёки) видео қайд этилиши тарзида олиб борилиши ҳақида суд мажлисини очик деб эълон қилиниши билан бирга маълум қилади.

2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзудан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш белгиланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.elibrary.ru/defaultx.asp>. “Использование видеоконференцсвязи в уголовном, гражданском и арбитражном судопроизводстве”. Ю.Ц.Цыдыпова (Дата обращения 27.05.2020).

2. Аносов А.В. Информационно-правовые вопросы формирования электронного правосудия в Российской Федерации: диссертация кандидата Юридических наук: 12.00.13/Аносов Александр Владимирович; [Место защиты: ФГУН Институт государства и права Российской академии наук], 2017-179 с.

3. Назаров Ш. “Хўжалик судлари янги босқич арафасида”. //“Ҳуқуқ ва бурч”. 2016, 11-сон.



ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА НАРСА ВА ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ

Нурумбетова Садоқат Аллаяровна
Ички ишлар вазирлиги Академияси
Дастлабки тергов ва криминалистика
кафедраси доценти в.б., подполковник

АННОТАЦИЯ: Мақолада жиноят процессуал кодекси талаблари асосида амалга ошириладиган нарса ва ҳужжатларни тақдим этиш тергов ҳаракатининг мазмун ва моҳияти, бугунги кундаги амалиётдаги мавжуд муаммолар ва уларни ечимлари юзасидан муаллиф фикрлари баён этилган. Шунингдек, қонунчиликдаги мавжуд бўлиқларни тўлдириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

КАЛИТ Сўзлар: терговга қадар текширув, терговчи, суриштирувчи, кўздан кечириш, мансабдор шахслар, шикоят, баённома, далиллар,

Бугун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, унинг мустақиллигини таъминлаш, шунингдек адвокатура органларининг фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг энг муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали муҳофазасини, аввало, асосий жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини таъминлаш ҳисобланади. Чунки инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадриятдир.

Бу борада ишни судга қадар юритишнинг босқичларида ҳам кўпгина ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланиб келаётганлигини эътироф этиш мумкин. Лекин шу билан бир қаторда эътиборни тортадиган муаммоли жиҳатлари борлигини ва бу муаммолар ҳали қонунчиликда ўз ифодасини топмаганлигини кўриш мумкин. Ишни судга қадар юритишда фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз фикрларига кўра иш учун аҳамиятга молик бўлган нарсаларни терговчига тақдим қилишга ҳақлидир. Терговчи тақдим қилинган нарсани ЖПКнинг 136, 137, 139 ва 140-моддаларида баён қилинган қоидаларга асосан кўздан кечириши, агар тақдим қилинган нарсани иш учун аҳамиятли деб топса ёки келгусида аҳамияти бўлиши мумкин деб ҳисобласа, уни қабул қилиши шарт бўлади. Шунингдек ушбу иш учун аҳамиятли бўлмаган, лекин муомаладан чиқарилган нарсалар (куроллар, гиёҳвандлик воситалари, порнография наشرлари ва бошқалар) ҳам қабул қилиб олинishi лозим. Иш учун аҳамиятли бўлмаган ва муомаладан чиқарилмаган нарсалар тақдим қилинган ҳолларда, ЖПК 198-моддасига асосан терговчи уларни кўздан кечириб бўлганидан кейин эгаларига дарҳол қайтариб беради.

Фуқаролар дастлабки тергов жараёнида ёки суд муҳокамада ўз ихтиёрларидаги жиноят ишига тааллуқли нарсаларни сушителирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилиш ҳуқуқига эга бўладилар ва терговчи уларнинг бу ҳуқуқидан маҳрум қилиш ваколатига эга эмас ва уларнинг талаби бўйича ушбу нарсани кўздан кечириб уни қабул қилишлари шарт.

Бу борада фуқаро ўзига мансуб бўлган нарсани терговчига тақдим қилиш учун иккита асос билан, яъни: а) тақдим этилаётган нарса ва тергов қилинаётган жиноят ишига алоқадорлиги бевосита ёки билвосита шу ишнинг далиллари ва ҳоллари билан боғлиқ бўлиши; б) бу нарсани унга эга бўлган шахс ўз ташаббуси билан терговчига тақдим этиши лозим бўлади.

Ўз навбатида терговчи фуқародан қабул қилиб олган нарсаларини кўздан кечириб қандай ҳолатда олган бўлса шундайлигича таъриф берган ҳолда баённомада расмийлаштириб қўйиши керак бўлади. Чунки, бу борада амалиётда ҳам камчиликлар учраб туради, яъни телефонни ўзини нарса сифатида тақдим қилинган ҳолатда унинг ғилофи бор бўлса агар, ғилофидан ажратмаган ҳолда баённомага расмийлатириб қўядиган бўлса бу ҳам бир жиҳатдан нотўғри бўлади. Сабаби, фуқаро яъни телефон эгаси эрта бир кун телефон ғилофи ичида муайян суммада пул ёки бошқа нарса борлигини айтиб шикоят қиладиган бўлса, бу



ҳолатда баённомада эътироф этилмаган ҳолатлар бўйича терговчи ёки суриштирувчи жавоб бериши асос учун топилмай қолади.

Шунингдек, терговчи фуқароларда ишга тааллуқли нарсалар борлигини ҳар қандай тергов ҳаракатини ўтказиш вақтида аниқлаб туришлари лозим ва агар фуқарода бирон нарса унинг ёки ўзга шахснинг эгаллигида бўлса, уни тақдим этиш ҳуқуқини тушунтириши керак. Нарсаларни эгалари томонидан терговчига топшириш ушбу шахсларни жиноят процессида жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашда муҳим ўрин тутаети, ушбу ёки бошқа жиноят процесси қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда катта роль ўйнаётди ва дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамасида жиноят ҳодисаси бўйича тўлиқ маълумотлар ва ашёларга эга бўлиши ҳолатини таъминлайди. Муомаладан чиқарилган нарсалар очиқ савдода олиб-сотиш объектлари сифатида ишлатилмайди, уларни мазкур муомалага киритиш ман этилган.

Бугунги кунда процессуал жиҳатлар нарсалар ва ҳужжатларни ишга тақдим этишнинг муаммолари томонлари ҳам авжуд бўлиб, улар айнан терговга қадар текширувда учрайдилар. Яъни жиноят-процессуал кодексида суриштирувчи ва терговчи томонидан тақдим этилган нарсалар ва ҳужжатларни қабул қилиб олиш берилган. Лекин терговга қадар текширувда нарсалар ва ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни қабул қилиб олиш тартиби белгиланмаган.

Бу борада шуни нарсани айтиш керакки, агар фуқаро жиноят бўйича хабар бериб қўлида нарсалар ёки ҳужжат билан келса, уни қабул қилиб олиш терговга қадар текширув жараёнида амалга оширилиши лозим бўлади. Лекин терговга қадар текширув амалиёти бу нарсалар ва ҳужжатларни қай тартибда қабул қилиб олади ва уни далил сифатида ишга қўша оладилар деган савол туғилади. Чунки, нарсалар ва ҳужжатлар қўп ҳолларда экспертизадан ўтказганидан кейин далилий ашё деб эътироф этилиши лозим. Бу каби қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш мақсадида нарсалар ва ҳужжатларни терговга қадар текширув вақтида ҳам олиш мумкинлигини ва уларни қабул қилиб олиш учун тузиладиган ҳужжат тури ва тартибини жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. <https://lex.uz/docs/111460>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 17. – 290-м.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 6 сентябрь ЎРҚ-442-сон Қонуни // Халқ сўзи. – 2017. – 7 сент.
4. Раҳмонкулов А. Х., Миразов Д. М. Дастлабки тергов: Дарслик. – Т., 2012. – 507 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик / Б.А.Миренский, А. Х. Раҳмонкулов, Д. М. Миразов ва бошқ. – Т., 2012. – 607 б.



ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ.

Раимов Элбек Баҳодир ўғли

Ўзбекистон миллий университети “Фуқаролик
жамияти ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги кунда долзарб бўлиб бораётган экологик муаммоларнинг ечими масаласида экологик назорат тушунчаси ва уни амалга оширишнинг муҳим шартлари келтириб ўтилган. Бундан ташқари экологик назорат вазифалари, шакллари уни амалга оширувчи органлар ва экологик назоратнинг ҳуқуқий асосларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Атроф табиий муҳит мониторинги, Давлат назорати, Идоравий назорат, Ишлаб чиқариш назорати, Жамоатчилик назорати, Табиий ресурслар, Мустақил хўжалик юритувчи субъектлар, Жамоат ташкилотлари.

Ҳозирги вақтда дунёда бўлаётган ҳодисалар замирида экологик назоратни ҳуқуқий тартибга солиш уни амалга ошириш тартиби, механизми, ҳуқуқий оқибатлари сингари муҳим масалаларни белгилаб бериши билан муҳимдир. Биринчи навбатда ушбу тушунчанинг ҳуқуқий асосларига тўхталиб ўтмоқчимиз. Ҳуқуқий асосларда экологик назорат билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган бўлиб, уларда уни амалга ошириш тартиби, бу борада давлат, жамоатчилик ва меҳнат жамоаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари сингари масалалар тартибга солинган. Ҳуқуқий асослар экологик назорат амалиётини шаклланиши учун асосий манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида экологик назоратнинг ҳуқуқий асосларини бир неча қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил қилади. Авваламбор, экологик назорат масаласи Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунида тартибга солинган. Чунончи, унинг 7-бўлимида атроф табиий муҳит мониторинги (28-модда), экологик назорат вазифалари (29-модда), давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати (30-модда), табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати (31-модда), табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати (32-модда) каби масалалар тартибга солинган.

Айтиш мумкинки, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун экологик назоратга оид муносабатларни умумий тарзда тартибга солувчи асосий махсус қонун ҳужжати ҳисобланади. Унда юқорида гувоҳи бўлганимиздек, экологик назорат вазифалари ва тизими ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берилган.

Экология назоратини амалга ошириш ўз моҳиятига кўра, экологик-ҳуқуқий механизмнинг муҳим таркибий қисми сифатида атроф табиий муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Маълумки, давлат экологик назоратини амалга оширишда, назорат ва фойдаланиш ваколатлари ажратилган бўлиши талаб этиладики, буни қонунчиликда бевосита мустаҳкамлаш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 31-моддасига тўртинчи банд сифатида қуйидаги бандни киритишни таклиф этамиз: **“Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорати функцияси ва табиий ресурслардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш вазифаларини биргаликда олиб бориш таъқиқланади”**. Шу каби норма Россия Федерациясининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 65-моддасида ҳам ўз аксини топган.

Умуман олганда, экология назорати мураккаб жараёнлардан иборат бўлиб, ушбу ҳудудларда табиатги антропоген таъсирнинг ҳолатини кузатиш, табиий ресурсларнинг ҳолатига баҳо бериш ва уларнинг истикболини белгилаш, экологик қоида-талабларнинг барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини текшириш, салбий экологик оқибат ва зарарли таъсирларни олдини олиш ва чеклаш табиатни муҳофаза қилишнинг кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилган ташкилий чора-тадбирларни амалга оширилишини мувофиқлаштиришга қаратилган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мустақил хўжалик юритувчи субъектлар ва жамоат ташкилотларининг фаолиятларини қамраб олади.



Экология назоратини амалга оширишда нафақат давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари балки, ушбу ҳудудда ҳўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхона, ташкилот ва муассаса ҳамда жамоат ташкилотларининг фаолияти алоҳида ўринни эгаллайди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуннинг 29-моддасига биноан экология назорати тизими қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш давлат хизмати;
- давлат экология назорати;
- идоравий экология назорати;
- ишлаб чиқариш экология назорати;
- жамоатчилик экология назорати.

Экологик назорат тўғрисидаги назарий қоидаларни таҳлил қилиш асосида уларнинг ҳуқуқий табиати ва ўтказиш мақсадидан келиб чиқиб оммавий ва хусусий экологик назорат турларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Бунда давлат ва идоравий назорат оммавий экологик назорат, ишлаб чиқариш назорати хусусий экологик назорат таркибига киради. Сўнгги йилларда бир қадар ривожланаётган жамоат экологик назорати эса икки томонлама (аралаш) хусусиятларга эга.

Экология назоратини амалга оширишда атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш давлат хизмати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ушбу ҳудуд табиатида бўладиган физикавий, кимёвий биологик, гидрологик, сейсмологик ва бошқа ўзгаришларни кузатиш, маълумот тўплаш, ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ости бойликлари ва атмосфера ҳавоси ҳамда аҳоли ҳаёти ва соғлиғига хавфли ва зарarli таъсир этувчи омилларни ўрганиш, мазкур ўзгаришларни ваколатли давлат органлари ва кенг аҳоли қатламларига етказиш каби фаолиятини ўз ичига олади.

Экологик назоратини амалга оширишда давлат экология назорати марказий ўринни эгаллайди. Бунда давлат экология назорати атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш қоида-талабларини барча вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, юридик шахслар, мансабдор шахслар ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши юзасидан махсус ваколатли органларнинг текшириш ва чораларни кўриш билан боғлиқ фаолиятини ўз ичига қамраб олади.

Экология назорати – атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш қоида-талабларини барча вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар, муассаса, мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини текшириш, табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва кузатиш, чора-тадбирларни қўллаш билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий чора-тадбирлар йиғиндисини ўз ичига олади.

Хулоса қилиб айтганда, экология назорати атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашнинг асосий усулларидан ҳисобланиб, унинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, экология назорати табиатдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлайди; иккинчидан, табиатдан ноқонуний ва нотўғри фойдаланилишининг олдини олади ва бундай ҳолларда айбдорларга тегишли таъсир чоралари қўлланилишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати:

1. Усмонов М.Б., Рустамбоев М.Х., Холмўминов Ж.Т. ва бошқ. Экология ҳуқуқи. Дарслик. (Лотин тилида) Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. -361 бет.
2. Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик. Масъул муҳаррир: проф. У.Таджиханов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. – Б. 26-47.

“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”

(1-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович

Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович

Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
